



Якин икки йил ичида БААларида халол махсулотларга бўлган талаб 15 фоизга ошиши кутилмокда. Бу орада Амирилик ҳам халқаро халол саноат стандартларини жорий қилишга ҳаракат қилмокда. Бундай фараз эгаси "Al Islami Foods" компаниясининг раҳбари Солих Лутдир (Saleh Lootah).

Жаноб Лутнинг айтишича, якин орада халол бозори сармоядорлари кўпайиши кутилмокда ва БАА ҳукуматини эркин халол саноат ҳудудини ташкил қилишга чақирди. Бу эса, ўз ўрнида соҳага кўйшимча сармояларнинг кириб келишига замин ҳозирлайди. "Al Islami Foods" компанияси 100 миллион дирхамга баҳоланган яна бир ишлаб чиқариш базасини қуриб, ишга туширмокчи. Мақсад бир ярим йил ичида халол махсулотларни ишлаб чиқаришни икки баробарга кучайтирмокчи.